

микдорида, (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фонз) лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фонзидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Қорхона" электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;  
энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Қорхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақдирлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунishi бўйича юқори ташиқлотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимида риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлаишини, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиишини таъминлаш, "Қорхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Қорхона" ва "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Қорхона"нинг тетишли вақлига ҳисоблагичларни қўришига имкон бериш;  
йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланishiдан қамада бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун "Қорхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, махсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувавга уланган "Истеъмолчи";

истеъмол қилинаётган қувавнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп юкламали даврларида реактив энергия ва қувавнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қував)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва "Қорхона"нинг талабига қўра хабар қилиши шарт.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Қорхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда "Истеъмолчи"ни электр қурилмаларини ўчириш. "Истеъмолчи" томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи"ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНХАГа уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган "Истеъмолчи"ларни олдиндан тўлов тугатгандан сўнг ўчириш.

"Қорхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

"Қорхона" ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Қорхона қуйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали "Истеъмолчи"га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларини, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларини бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узиллишлар тўғрисида уч-кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида "Истеъмолчи"га маълум қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

"Истеъмолчи"нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, "Истеъмолчи"дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан қўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

"Истеъмолчи"га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

"Истеъмолчи"нинг белгиланган тартибда қиритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини қўлайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда "Истеъмолчи"га хабар қилиш;

"Истеъмолчи"га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

"Қорхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, "Қорхона" бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур.  
"Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Қорхона";

"Истеъмолчи" энергия истеъмолининг белгиланган режимида риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, "Қорхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган сўтқаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;